



## Training of public activists, public sportsmen and mass sports referees from students

A., Abdullaev,

Associate Professor of Ferghana State University, p.f.n.,

J.I.Mamadaliyev

Masters of Ferghana State University

A.A.Gafurov,

Masters of Ferghana State University

### ABSTRACT

The process of training of public activists on Physical Culture and sports - public sportsmen and judges of mass sports for selection methods and their training was expressed from the students. It is intended for future specialists in the field of Physical Culture and sports – bachelors and Masters and teachers of the subject of multi-disciplinary physical education.

### Keywords:

Public; activists; sports mass sports activist; physical culture activist; public sports referee; team leader; competition for activities; School Physical Culture team, STI-extracurricular work; optional training; BSM and ABS; wellness; wellness physical culture;

Махсус адабиётлар тахлили ва Фарғона шаҳар умумий таълим мактабларининг иш тажрибасига асосланиб, ўқувчилар сафидан жисмоний тарбия ва спорт фаоллари – жамоатчи йўриқчилар ва оммавий спорт ҳакамларни тайёрлаш бўйича шаҳар мактаблари ўқитувчиларининг иш тажрибасини умумлаштирдик.

Педагогик кузатишларимиз давомида тажрибали ўқитувчилар мактаб ўқувчиларидан оммавий жисмоний маданият ва спорт жамоатчи фаоллари сифатида жамоатчи йўриқчилар ва оммавий спорт ҳакамларни тайёрлаш учун олдиндан тайёргарлик кўришлари уларни *танлашдан* бошлашларини ҳамда ўзи амалга ошираётган жисмоний тарбиядан *ўқув ишлари машғулотлари* ва *синфдан*

*ташқари ишлар(СТИ)нинг турли машғулотлари* давомида амлага оширишларини гувоҳи бўлдик.

Чунки, жамоатчи йўриқчилик, жамоатчи спорт ҳаками ёки мактаб жисмоний маданият жамоаси комиссиялари сафида фаолият кўрсатиш, оммавий соғломлаштириш спорти машғулотларини олиб боришда жамоатчи фаолга маълум даражадаги аниқ вазифаларни ҳал қилишни ууддалашидек сифатларига эга бўлиш талабини кўяди.

Фарғона шаҳар умумий таълим мактабларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари билан фикр алмашинишларимиз, сўровларимиз, интервьюлар, олиб борган суҳбатларимиз давомида улар жисмоний маданият фаолларини танлашда ўқувчиларни ўз

тенгдошларини “Ўзининг ортидан эргаштира олиш қобилияти” борлар - “лидерлар”га (9 - 11-мактаб ўқитувчилар) устиворлик бераётганлигини; шаҳарнинг 1, 3, 6 - мактабларининг ўқитувчи лари эса бўлажак йўриқчи ўқувчисини ташкилотчилигига мансуб кичик, аҳамиятига кўра юқори бўлмаган топшириқлар ва вазифалар бериш орқали уларни берилган вазифаларни уddалаши қобилиятларини синаш билан танлаётганлиги; 5,15 - мактабларнинг ўқитувчилари эса йўриқчиликга, спорт ҳакамлигига иштиёқманд, ўзи хоҳиш билдираётганларни; 19,22 - мактабларнинг ўқитувчилари спортнинг бирор тури бўйича маҳорат соҳиблари, спорт тайёргарлиги даражаси юқориларни; бошқа 4,7- мактабларда(4,7,) БСМ лари ва БЎСМ ларининг ўқувчиларига спорт ҳаками, ўзи шуғулланаётган спорт йўриқчиси вазифасини бажариши лозимлигини уларнинг ота-онаси орқали келишиб, айрим ҳолатларда мажбурий жамоатчилик топшириқларини бажаришга ундаш орқали танлаётганларини аниқладик.

Тажрибаларимиз давомида ўзи хоҳлаб йўриқчи бўлишга интилганлар тенгдошларини бошқарувини уddалай олмайётганлиги, айрим, жамоатчи йўриқчи бўлишни хоҳламаган ўқувчилар эса ўзишига қизиқиш ҳосил қилиб, топшириқларни, тайинланган вазифаларни рисоладагидек қилиб бажараётганликларини кузатдик.

Жисмоний маданият ва спорт йўриқчиларни тайёрлашни аввалида уларга нисбатан назарий ўқув материални ўқитишни кейинроқга сурдик. Сабаби улар ўз фаолиятлари давомида маълум назарий билим ва амалий малакалар зарурлигини сезгунларигача қўйиб бердик.

Масалан, мини(кичиклар) волейболи бўйича ўйин техникасининг ижроси, ўйин қоидаларни билишга мансуб билимларга эга бўлиш заруриятлигини тушиниб етгунларигача (6-8 тренировка машғулотларидан сўнг) жисмоний тарбия ўқитувчилари, қолаверса, МЖМЖси кенгашининг «Ўқув спорт ишлари

комиссияси» таркибидаги малакаси юқори саналган жисмоний тарбия ва спорт фаоллари томонидан махсус тайёрланган дастур асосида назарий ва амалий тайёргарликни йўлга қўйиш билан амалга оширилиши, лекин, бу ишни уюштириш ва ўтказишдаги етакчи рол мактаб жисмоний маданият жамоасининг ўқув-спорт ишлари комиссияси аъзолари зиммасига юклатилиши, кутилган натижани бераётганлиги фан ўқитувчилари томонидан такидланди..

Жамоатчи йўриқчи ва жамоатчи спорт ҳакамларини тайёрлашни 13 ёшдан бошлаш ҳозирги кунда мутахассислар иш тажрибаси орқали исботланиб бўлди. Бу ёшдагилар кўпроқ, етакчилик қилиш, ўзини шахсини намойиш қилиш, тенгдошлари, катталар (раҳбар, ўқитувчилар) эътиборида бўлишга мойилроқ. Бўлишларини кузатдик. Бу ёшдагилар I-IV синф ўқувчилари учун спорт педагогикаси фанлари (мини волейбол, мини баскетбол, мини қўл тўпи, мини футбол ва бошқа) спорт турлари йўналишлари бўйича ташкилланган жисмоний тарбия кружокларини бошқариш, раҳбарлик қилишга ўта қизиқадилар ва улар бу ишга ўргатилиши ўзини оқламоқда.

Махсус адабиётлар(Г.П.Богданов,1985;А.Абдуллаев, 2005,2009,2022; М.Ю.Юнусова,2005; Ж.К, Холодов,2013 ва бошқалар)ни ўрганиш ва мустақиллигимизгача амалда фойдаланилган МЖМЖ нинг фаолияти мазмунида ўқувчилардан жамоатчи жисмоний маданият йўриқчиларини, жамоатчи спорт ҳакамларини тайёрлаш ўзини оқлаганлиги ва йўриқчиларни (жисмоний маданият ва спорт фаоллари классификацияси 1-чизма).

Тахлилларимиз давомида жамоатчи йўриқчи ва спорт турлари бўйича жамоатчи ҳакамликга ўрта мактаб ёши (биринчи ўсмирлик ёши) даги ўқувчиларни ҳаракатли ва спорт ўйинларнинг машғулотларини ўтказишга жалб қилиниши талаб даражасидаги натижани бераётганлигини кузатдик. Жамоатчи йўриқчилар буйруқларни бериш ва унинг

ижроси, гимнастика машқларини тўғри кўрсата олиш, уларнинг кетма-кетлиги ва техникасини ўргатишнинг асосий усулларини, танлаган машқи шуғулланувчисининг кучига ярашами, йўқлиги ҳақидаги тушунчага эга бўлишлари ҳамда мусобақанинг асосий қоидаларини билишлари зарур бўлди.

Йўриқчилик малакасига ўргатиш, асосан спорт секциялари ёки кружокларнинг машғулотида йўриқчиликка номзодларнинг 1-2 нафарини машғулотларда иштирок этиши орқали олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Аввалига уларга машғулотларда спорт турига мансуб 1-2 мавзунини пухта ўргангандан сўнг ўз гуруҳларига бошлиқ тарзида навбат билан машғулоти ўтказишга ўргатиш билан синовлар ташкиллаш, алоҳида спорт турлари бўйича йўриқчи ва жамоатчи спорт ҳаками тайёрлаш секция машғулотида амалга оширилиши яхши натижа беришини аниқладик.

Йўриқчиликка тайёрлаш машғулотларини бошланишида ўқитувчи фаолларга жамоатчи йўриқчи ва жамоатчи спорт ҳакамининг айнан шу машғулоти учун қўйиладиган хусусий вазифаларни нимадан иборатлигини гапириб бериш ва уни амалда кўрсатишни ўргатишдан бошлаш лозим бўлади.. Айнан нимани ўрганишлари, ўрганиладиган асосий машқларни машғулоти қайси вақтида таништирилиши, уни ўзлаштирилиши


бошлаши, мустаҳкамлаши, такомиллаштириш эса машғулоти асоси эканлигини моҳиятини йўриқчига тушинтиради. Бу билан йўриқчига машғулотида қандай билим ва малакаларга эга бўлиши лозимлиги ўқитирилади. Амалий малакаларни тўғри-нотўғрилиги кўрсатиб берилади.

Уларга шуғулланувчисини ҳаракатни тўғри ёки нотўғри бажараётганлигини аниқлашга оид амалий малакалар нимадан иборатлиги ўқитирилади, ўргатирилади. Бу ўз ичига машқларни бажараётганда йўл қўйган хатоларини топишни ўргатишдан бошланади. Нима учун айнан шундай хатога йўл қўйилганлигини сабабини аниқлашга ўргатиш йўриқчининг асосий малакаси эканлиги гапириб берилади.

Шунинг учун ҳам машғулоти асосини бошланиши ёки охирида 10-15 минут вақтни назарий тайёргарлик ўтказишга бағишлаш лозимлиги муҳим. Амалий эса жамоатчи йўриқчилар тайёрлаш дастур материалини ўқитиш машғулотида амалга оширилади. Амалий малакаларни даражасини аниқлаш гуруҳдагиларнинг барчаси билан бирваракайига ёки кичик гуруҳларга ажратиб ўтказиш (2-4нафар ўқувчи билан) тавсия қилинади.

Асосий диққат эътибор. энг аввало ҳавфсизлик ва уни олдини олишга қаратилади. Айниқса, иштирокчиларни тўқнашуви табиий спорт тури

7-чизма



машғулотларида ҳавфсизликни таоминлаш, зарур бўлса биринчи ёрдам кўрсатиш билимлари ва амлий малакалари дастур мазмунидан ўрин олган.

Боланишида ҳавфсизлик ўқитувчи ёрдамида амалга оширилади, охирига бориб ҳавфсизликни мустақил таминлаш йўриқчига топширилади.

Янги ҳаракатларни ўқитишда йўриқчи шуғулланувчиларига машқни бажариш кетма-кетлигини тушунтириши, илк бор уни ўзи кўрсатиши, хатоларни топиши, тўғрилаши, гуруҳни кузатишни билиши, ўзи учун машғулот жойида ўринли жой танлаш билиши талаби қўйилади.

Машқларни бажариш ва гуруҳга раҳбарлик қилиш амалиётини ўтиш учун асосан, машғулотларнинг асосий қисмидан фойдаланилади. Ундан ташқари ҳар бир ўқувчи аниқ вазифа олади, дарсда ва машғулотларда ўқитувчига ёки машғулотни олиб бораётган ўз шеригига ёрдамчи бўлади, кружоклардаги машғулотларни мустақил олиб боради.

Тахминан спорт турлари бўйича жамоатчи йўриқчиликга, спорт турлари бўйича жамоатчи спорт ҳакамларини тарбиялаш жараёнида шахримиз БЎСМларнинг мураббийларини мактабларда ташкилладиган ва ўтказиладиган йўриқчилар тайёрлаш семинарларига таклиф қилиш, улар томонидан кўргазмали “мастер класс”лар тарзидаги тренировкаларни ташкиллаш, мактаб жисмоний тарбия фаолларини тайёрлаш ишида маслаҳатчи сифатида иштирок этиб беришлари учун шартномалар тузиш амалиётини қўлламоқдир.

Натижалар биз кутгандек. Уларнинг спорт тренировкаларининг назарий асосларига мансуб, семинарларидаги мавзуларни ўқитиш, спорт мусобақалари қоидаларини ўзлаштириш мақсадида фаоллар билан таҳлил қилиш, амалда ўрганиш, мусобақаларда ҳакамлик амалиёти, ўтказиладиган жамоатчи фаоллар ва ҳакамларни тайёрлаш семинарининг самарадорлигини янада юқори бўлишига олиб келди.

Масалан, Марғилон шаҳарининг 29 - умумий таълим мактабининг тажрибасидан келиб чиқиб, мактабда бўлажак йўриқчиларнинг йўналишига мувофиқ махсус адабиётлар тарқатилади, спорт турларининг техник элементлари намойиши ифодаланган кўргазмали стендлари тайёрланади ва улардан бўлажак йўриқчиларга ёрдам рубрикаси тарзида фойдаланилади. Бундай кўргазмали стендлардан фақат спорт йўриқчиси эмас, шу спорт тури билан шуғулланаётган ўқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин бўлади. Мактабда жисмоний тарбия йўриқчилари қадрланади. уларнинг энг намуналиларини исми фамилияси «Мактабнинг спорт фидойилари» фахрий китобига ёзилади, қимматбаҳо эсдаликлар (гантел, скакалка, спорт адабиётлари, спорт тематикасидаги видеокасеталар) билан тақдирланадилар.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, жамоатчи йўриқчиларни ва жамоатчи спорт ҳакамларини тайёрлаш кенг йўлга қўйилган мактабларда СТИнинг оммавийлигига эришиш амалда исботланган. Ўқувчи яхши ният билан дарсдан сўнг вақт топиб спорт формасини кийиб мактабга келсаю, уни ҳеч ким кутиб олмаса ёки бирор фойдали иш (машқ бажариш)га кимдир жалб қилмаса у кейинги сафар бўш вақтида мактабга боришни ўйлаб кўради. Аслида, Фарғона вилоятининг қатор мактабларида жамоатчи йўриқчи сифатида мактабни битирган собиқ ўқувчилардан фойдаланиш эътиборга лойиқ даражада йўлга қўйилган. Улар ўз мактабида спортнинг мактабдаги мавжуд турлари бўйича жамоатчи йўриқчи, спорт ҳаками сифатида тренировка машғулотлари ва мусобақаларни ўтказишда фаол иштирок этмоқдалар.

Умумий таълим мактабларида жисмоний маданият ва спорт фаолларини тайёрлашни йўлга қўйиш ўқувчи оммавий соғломлаштириш спортини оммалаштириш ва уларни соғлом турмуш тарзи жисмоний маданияти соҳибига айлантиришдек давлат, Президентимиз буюртмасини бажаришга хизмат қилади.

**Адабиётлар**

1. Patidinov Kamolidin. (2021). Physical Preparation and Development of School Students. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 3, 161–163. Retrieved from <https://zienjournals.com/index.php/jpip/article/view/517>
2. Sidikova, G. S., & Ibrahimovich, T. A. (2021). FORMATION OF CHILDREN'S HEALTH CULTURE AS A SOCIAL AND PEDAGOGICAL PROBLEM. *Conferencea*, 71-74.
3. Убайдуллаев, Р. М. (2020). Сопоставительный мониторинг показателей физической подготовленности девушек сельских школ с нормативами тестов здоровья "Барчиной". In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 37-40).
4. Usmonov, Z. N. (2020). MONITORING OF PHYSICAL AND HEALTH WORKS IN RURAL COMPREHENSIVE SCHOOLS. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 8(3).
5. Усманов, З. А. (2019). ИССЛЕДОВАНИЕ ТЕОРЕТИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ УЧАЩИХСЯ СРЕДНЕГО ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА ПО ПРЕДМЕТУ «ФИЗИЧЕСКАЯ КУЛЬТУРА». *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования*, 90.
6. Hamrakulov, R. PEDAGOGICAL BASES OF FORMATION OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS TRAINING IN HIGHER EDUCATION SYSTEM.
7. Yuldashev, M. (2021). INNOVATIVE ASPECTS FOR HEALTHY LIFESTYLE FORMATION AND DEVELOPMENT OF SPORTS. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS*, 2(05), 102-107.
8. Хайдаралиев, Х. Х. (2019). МОТИВАЦИЯ ВЫБОРА ПРОФЕССИИ КАК ПРОЯВЛЕНИЕ ПАТРИОТИЗМА СОВРЕМЕННЫХ СТУДЕНТОВ. In *EUROPEAN RESEARCH: INNOVATION IN SCIENCE, EDUCATION AND TECHNOLOGY* (pp. 50-52).
9. Yakubova, G. K. (2021). MONITORING OF PHYSICAL EDUCATION CLASSES IN CONDITIONS OF HYPERTHERMIA. *Herald pedagogiki. Nauka i Praktika*, 1(2).